

# Пудрат шартномаси № 7

Бухоро туман

2022 йил «30» сентябр

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Бухоро туман Тиббиёт бирлашмаси номидан  
(буюртмачининг номи)

Низом асосида иш юритувчи ташкилот раҳбари С.С.Сафаров бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH» МЧЖ номидан Низом асосида иш қурувчи А.Азимов иккинчи томондан Бухоро туман Тиббиёт бирлашмага қарашли Кобдин ОШП биносини жорий таъмирлаш учун пудрат шартномасини туздилар.

## I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади:

**ижро хужжатлари** — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан қулланиладиган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объектнинг қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини таъминловчи ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар билан беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синонним тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар; **қурилиш майдони** — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида қулланиладиган далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади; **вақтинчалик иншоотлар** — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар; **беркитиладиган ишлар** — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган ва кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; **шартнома нархини булиб чиқиш** — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари киймати аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Бухоро туман Тиббиёт бирлашмага қарашли Кобдин ОШП биносини жорий таъмирлаш учун пудрат шартномасини туздилар.

(лойиҳанинг номи)

лойиҳада қўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини таъмин олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома буйича ишлар киймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «27» сентябрдаги 152462-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 103 321 145 ( Бир юз миллион уч юз йигирма бир минг бир юз қирк беш ) сумми ташкил этади.

(сумма ёзув билан)

4. Ишлар киймати ўзил-қўзи ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқиши мумкин эмас, қуйидагилар билан ҳоллар бундан мустасно:

— қурилиш кийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; — ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; — объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқда ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ, бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун — барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга \_\_\_\_\_-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қўчлари ва/ёки жалб қилинган қўчлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачи билан мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

— \_\_\_\_\_-иловага мувофик, курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оғбор жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ер участкасини муҳрфаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқларни ўрнатиш;

— курилиш таваккалчиликларини сурурта қилиш;

— мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

— курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг Уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур ҳолда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулк ҳақида жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_\_\_-иловага мувофик ишларни бажариш учун яроқли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган давр далолатнома буйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_\_\_-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

— миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

— кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофик, руйхатдан утқазилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аввал тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_\_\_ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорда, иккинчи ойга тенг улушларга (ойига 30 фоиздан) булган ҳолда аванс утқазди, бу 30 996 343 сум 50 тийинни ташкил этади!

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (\_\_\_\_\_ -илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисоб олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қилган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида узилкесил ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда:

— объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — ишлар қийматининг 45 фоизи миқдорда;

— мазкур шартномада белгиланган қатъий муддат тамом булгандан кейин — ишлар қийматининг 5 фоизига миқдорда, бироқ, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга киргизилган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлаш тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан оз қилинмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вакилини — техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номида бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташқиқ этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқч тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар, баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи узи томонидан қурилишида қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар гайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рұхсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга қиришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган булса, ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини ҳисботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бугун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вак-тида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши Тугрисидаги маълумотлар) шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) аниқ эътирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## IX. Ишларни қуриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объектлар қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари нағижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуриб вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.;

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижтимоий ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар гуқлами амалда бажарилган ишларга тулик мос келиши ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Қафолатлар

48. Пудратчи:

— барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

— лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

— Узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмларнинг конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

— объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларини мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномада имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлар далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бошқача тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

— шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қараб Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

— ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

— Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ; бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ, бўлмаган сабабларга қараб Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қуйилганда;

— Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қараб тугалланмаган қурилиш ишлари бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бекор қилинган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтга қадар молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг фоизи миқдорига пеня тулайди, бундан пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмасли­ғи мумкин.

**XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.**

**«ПУДРАТЧИ»**

**«DILBA YORU DASTVA KOR AHMADJON QURILISH»  
МЧЖ  
Бухоро туман Богикалон МФЙ  
P/C:20208000405405764001  
ИНН: 308597533 МФО: 00975**

---

Директор :  А. Азимов



**«БУЮРТМАЧИ»**

**Бухоро туман Тиббиёт бирлашмаси  
Галаосиё шаҳар Фитрат №17\_  
p/c:100022860062077072130054058  
ИНН: 200868797 МФО: 00014  
Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошкар**

---

Директор:  С.С.Сафаров



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

“DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH” MCHJ va Buxoro tuman tibbiyot birlashmasi o‘rtasidagi 7-sənli pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

Buxoro tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 28-sentabr kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buxoro tuman adliya bo‘limi  
yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**A.Ereshjumayev**

2022-yil 30-sentabr

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 152462 на приобретение Бухоро Туман тиббиёт бирлашмасига карашли Кобдин ОШП биносини жорий таъмирлаб бериш**

Способ проведения электронный

Дата 27.09.2022

Время рассмотрения 27.09.2022 15:55

Закупочная комиссия Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SAFAROV SUNNATULLA SATOROVICH	Рахбар	Бухоро туман тиббиёт бирлашма
<b>Секретарь комиссии</b>	HAMROYEV UMED HOMIDOVICH	Касаба уюшма	Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	RUZIYEV YUNUS MIRZAYEVICH	хужалик мудир	Бухоро Туман Тиббиёт Бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	ALIMOVA NIGORA TILAVOVNA	бош хамшира	Бухоро Туман Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	XAMROYEV ASAD NAVRUZOVICH	Хужалик мудир 2	Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	Шукруллоев Акбар Ахтамович	Бош хахим уринбосари	Бухоро туман Тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.09.2022 года № лота 152462.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	103 321 145.00
Стартовая сумма	103 321 145.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Наличие рабочего персонала

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие рабочего персонала

Обязательность: Не критично

<b>SAM-BUSEFFAL MCHJ</b>	103 321 145.00	103 320 000.00 UZS	103 320 000.00	00.00	103 320 000.00	27.09.2022 13:36:03	0
<b>ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH</b>	103 321 145.00	103 321 145.00 UZS	103 321 145.00	00.00	103 321 145.00	27.09.2022 11:34:52	0

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО DASTI SAXO</b>	80	0	80
<b>SAM-BUSEFFAL MCHJ</b>	77.143	0	77.143
<b>ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH</b>	95.714	0	95.714

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 152462 от 27.09.2022 года на приобретение Бухоро Туман тиббиёт бирлашмасига карашли Кобдин ОШП биносини жорий таъмирлаб бериш определила победителем:

**ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH**  
308597533

и резервный исполнитель: **ООО DASTI SAXO (308222342)**

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SAFAROV SUNNATULLA SATOROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RUZIYEV YUNUS MIRZAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ALIMOVA NIGORA TILAVOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAMROYEV ASAD NAVRUZOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Шукруллоев Акбар Ахтамович	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Критерий №5 Ташкилотни ДСИдан дебитор ва кредитор карздорлиги тугрисида маълумо

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни ДСИдан дебитор ва кредитор карздорлиги тугрисида маълумо

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH</b>	20	20	19	Экспертная		
<b>ООО DASTI SAXO</b>	20	20	19	Экспертная		
<b>SAM-BUSEFFAL MCHJ</b>	20	10	12	Экспертная		

Критерий №6 Ноинсофлар руйхатида турмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ноинсофлар руйхатида турмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>ООО DASTI SAXO</b>	20	20	16	Экспертная		
<b>SAM-BUSEFFAL MCHJ</b>	20	10	15	Экспертная		

Критерий №7 Фирма хакида тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Фирма хакида тулик маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>ООО DASTI SAXO</b>	20	10	13	Экспертная		
<b>SAM-BUSEFFAL MCHJ</b>	20	10	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО DASTI SAXO</b>	103 321 145.00	103 321 145.00 UZS	103 321 145.00	00.00	103 321 145.00	27.09.2022 13:15:41	0

<b>SAM-BUSEFFAL MCHJ</b>	103 321 145.00	103 320 000.00 UZS	103 320 000.00	00.00	103 320 000.00	27.09.2022 13:36:03	0
<b>OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH</b>	103 321 145.00	103 321 145.00 UZS	103 321 145.00	00.00	103 321 145.00	27.09.2022 11:34:52	0

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>OOO DASTI SAXO</b>	80	0	80
<b>SAM-BUSEFFAL MCHJ</b>	77.143	0	77.143
<b>OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH</b>	95.714	0	95.714

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 152462 от 27.09.2022 года на приобретение Бухоро Туман тиббиёт бирлашмасига карашли Кобдин ОШП биносини жорий таъмирлаб бериш определила победителем:

**OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH**  
308597533

и резервный исполнитель: **OOO DASTI SAXO (308222342)**

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SAFAROV SUNNATULLA SATOROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RUZIYEV YUNUS MIRZAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ALIMOVA NIGORA TILAVOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAMROYEV ASAD NAVRUZOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Шукруллоев Акбар Ахтамович	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП